



— Мен асли Бағдод туманиданман,— дея сўзлайди Шокиржон Арслонов,— шу йил 22 январь кун Фарғонани бир айланиб кетай, деб келувдим. Энди Алишер Навоий номли кинотеатрга киратгандим, икки нафар ўсмир кутилма-

ганда бошимдаги «Норка» қалпоғимга чанг солишди. Ҳаш-паш дегунча кўздан ғойиб бўлишди. Афсус, 350 сўмлик эди-я, қалпоғим... Милиция капитани жабрланувчининг сўзларини диққат билан тинглади, ўғриларнинг

АТИГИ ИККИ СОАТДА

ташқи қиёфасини сўраб-суриштирди. Кейин бошқа участка вакиллари энига олиб, бозорга чиқди.

Бозор бозорда, одам гажум. Биров олиб келган нарсасини мақташ билан овора, бошқа биров эса унинг баҳосини пастлатишга уринади. Ҳала-ғовур авжга чиққан тумонат одамлар орасидан ўғрилари излаш бир қоп сомон ичидан нина қидириш билан баробар.

Орадан кўп ўтмай янгигина қалпоғини ўртоғига кўз-кўз қилаётган йигитни кўришди-ю, умид учқун пайдо бўлди. Суриштириб кўришса, бу йигит Ермозор қишлоғидан экан.

— Ҳозиргина бу қалпоқни 130 сўмга икки нафар ўсмирдан сотиб олдим,— деди у ва ўсмирларнинг ташқи қиёфасини тасвирлаб берди. Шундай қилиб, ўғрилари тугишга атиги икки соат ки-

фоя қилди. Дилшод Жўраев 1973 йилда туғилган, фарғоналик. Унинг шериги Убайдулла Холматов эса муқаддам ЖМнинг 125-модда 1-қисми билан судланган экан.

Ҳозир уларнинг устидан Фарғона шаҳар ИИБда ЖМнинг 126-модда 2-қисми билан иш кўрилмоқда.

Энди ана шу жиноятни тез фурсатда очишга муваффақ бўлган участка вакиллари ҳақида.

Милиция капитани Б. Адхамов, унинг сафдошлари Ғ. Исмонов, У. Мадрахимов, А. Абдуллаевлар участкада озоишталликни назорат қилиш билан бирга бозорларга ин курган чайқовчиларга қарши кескин курашмоқдалар.

Уларнинг хушёр ва мурасимлиги тугайли камёб бўлиб кетган молларни устама нарх қўйиб пуллашга одатланган бир гуруҳ шахслар фош этиб ташланди. Ана шундай ҳаракат

устиде қўлга олинган ёрмозорлик Р. Тошматова, Фарғона туманидан М. Аҳмедовлар халқ суди ҳукми билан юз сўмдан жарима тўлашга мажбур бўлдилар. Фарғоналик А. Зиёвуддинова эса килоси 80 тийинлик гуруччи 1 сўм 60 тийиндан сотаётган пайтида қўлга олинди. Унинг устидан ЖМнинг 175-моддаси «Б» банди асосида суриштирув ўтказилмоқда. Булар участка вакиллари 1991 йилдаги фаолиятларидан айрим лавҳалар, холос.

Н. КОРОЛЕВ,
А. АҲМЕДОВ.

СУРАТДА: (ўнгга чапга) катта участка вакили Б. Адхамов, участка вакиллари У. Мадрахимов, Ғ. Исмонов, ва А. Абдуллаевлар.

А. Аҳмедов олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ НАШРИЁТИ—70 ЁШДА

Ўзбекистон Совет Социалистик
Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ НАШРИЁТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН УНИНГ АЛОҲИДА УРНАК КЎРСАТГАН
ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА

Кўп йил ҳалол ишлаганлиги, Ўзбекистон матбаасини ривожлантиришга ҳисса қўшганлиги ва жамоат турмушида фаол қатнашгани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»: Зиёмов Зайниддин Нажимович — офсет матбаа цехининг, матбаачиси

Караманов Нодир — рўзнома-ҳарф териш цехининг бошлиғи

Кушнир Надежда Алексеевна — бош муҳандис ўринбосари

Мансуров Қутбиддин Турсунович — чуқур матбаа ишчиси

Муҳамедов Рафаил Насруллоевич — газета-ротация цехининг ишчиси

Сотиболдиева Уғилой — муқовалаш цехи ишчиси
Томкина Антонина Яковлевна — чуқур матбаа цехи брошюралаш бўлимининг машинисти

Қуйидагилар Ўзбекистон ССР фахрий ёрлиқлари билан мукофотлансин:

Аҳмедов Қосим — хўжалик бошқармаси бошлиғи

Бариев Александр Петрович — газета-ротация цехининг гальванотипчиси

Борзов Николай Феодорович — бош механик

Дунина Анна Афанасьевна — ишлаб чиқариш бўлимининг муҳандис-диспетчери

Кулешова Барно Суннатова — газета-ҳарф териш цехи ҳарф қуйиш машинасининг ҳарф терувчиси

Мирзакаримов Ақром — Ю. Гагарин номли пионерлар лагерининг ишчиси

Мороз Лариса Ивановна — газета-ҳарф териш цехи ҳарф қуйиш машиналарининг ҳарф терувчиси

Никифоров Владимир Феодорович — чуқур матбаа це-

хининг ишчиси
Раҳимова Гулчеҳра Қодировна — цинкография ва офсет қопиллари тайёрлаш цехининг монтажчиси

Тожиёва Зайнаб — газета-ротация цехи машиналари ва агрегатларининг ишчиси

Турсунов Ҳабибулла Рихсибоевич — муқовалаш цехининг бошлиғи

Ҳайдарова Мастура Носиржоновна — муқовалаш цехининг ишчиси

Хушназаров Исмаилов — юқори матбаа цехининг ишчиси

Эшонов Бозорбой Олломи-берганович — партия комитетининг котиби

Йўлдошева Хожалхон Яхшибоевна — юқори матбаа цехи машиналари ва агрегатлари цехининг ишчиси

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 март.



ОМАН
ТИЛАБ

Хурматли муҳаррират. Мен шундай рўзнома ташкил этилганидан хурсандман. Уни жуда керакли, деб ўйлайман. Чунки менинг турмуш ўртоғим мана 15 йилдирки, шу соҳада ишлайди. Ҳар гал баъзи бировларнинг милиция обрўси ва шаънига айтилган эътирозларини эшитиб, таъбим тирриқ бўлади. Ахир, шулар эмасми кейинги вақтлардаги нохуш воқеаларнинг олдини олишда кўксини қалқон қилганлар. Ойласидан, болаларидан йироқда, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай хизмат қилганлар. Уларнинг барча машаққатларини ёритувчи, уни халққа билдирувчи рўзнома ходимларига омад тилаб қоламан.

Минаввар ТУРҒУНОВА,
Фарғона вилояти.

АЙТИНГЧИ...

Мен рўзноманинг шу йил 12 февралда чиққан «Эшикни нега очмайсиз?» сарлавҳали мақолангизни ўқиб, қўлимга қалам олдим. Мени уч бегуноҳ одамнинг қотилига қандай жазо берилиши мумкинлиги қизиқтиради. Назаримда қандай жазо берилмасин, қандай туюлади. Балким қонунийнинг «юмшоқлиги» жиноятчиларга қўл келаядигандир. Мен асли Хоразмликман. Ҳозирги кунда Тошкент Дорилфунунда таҳсил олаётганман. Аммо дорилфунун остонасида рўй бераётган сигарет чайқовчилиги мени жиддий ташвишлантиради. Айтингчи, чайқовчилар бу молларни қаердан оладилар?

Т. СОБИРОВ.



Рўзномамиз Сиз азиз муштариийлар қўлига теккунча, заҳматкаш матбаа ходимлари қўлидан синчковлик билан ўтади. Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси нашриятининг босмахонасида бўлган киши бунинг гувоҳи бўлади. Қуни-кеча ушбу нашриёт ўзининг 70 йиллик тўйини нишонлади. Рўзномамизнинг ўқимишли бўлиши, унинг безакдор ҳамда беҳато чиқишида саҳифаловчилар, ҳарф терувчилар, чоп этадиганларнинг меҳнати беқиёс.

СУРАТЛАРДА: «Поста» рўзномасининг саҳифаловчиси Ғиёсиддин Дўсметов ва ҳарф терувчи Муборак Турсуновлар иш устида.

Ҳабибулла ШОДИЕВ
олган суратлар.



ТАНТАНАЛАР ЭТАДИ ДАВОМ

ҚУТЛАЙМИЗ

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК

Ширин шаҳар милиция бўлимида навбатчилик қилаётган милиция капитани Бобожон Акбаров телефонда ўғирлик ҳақида хабар берган аёлни тинчлантиришда, оператив гуруҳни оёққа турғазди. Тонга яқин фуқаро Т.нинг уйига тушган ўғирлар ушланди.

Юқорида номи тилга олинган Бобожон ака яқинда 50 ёшни қаршилайди. Умрининг чорак асрини милиция сафларида ўтказётган бу инсоннинг Ширин шаҳрига биринчи Сирдарё ГРЭСи курувчилари қаторида келганига ҳам 18 йил бўлди. Асли хўжандлик, қардош тожик халқининг бегубор фарзанди.

1973 йилдан то 1983 йилгача милиция участка вакили бўлиб ишлади. Шу давр мобайнида қанчадан-қанча яхши-ёмонни кўрмади. Ҳамиша яхшиларга ёрдам, ночорларга кўмак берди, қонунбузарларга талабчан, қинғирликларга мурасасиз бўлди. Хизмати юзасидан жуда кўп мукофотларга сазовор бўлиб, катта обрў қозонди. Шу билан бирга Бобожон ака тажрибаларини кунт билан ўргатувчи мураббий ҳамдир. Б. Акбаров тарбиялаган оддий милиционерлар Бойзоқов, Раҳмонқулов, Худойбердиев ва Тангриқуловлар бугун офицерлардир.

1984 йили Бобо аканинг шаҳар аҳолисини, шароитини, ҳар бир кўчасини яхши билишини ҳисобга олиб, раҳбарият уни бўлимнинг навбатчиси этиб тайинлади. Чунки қонунбузарликнинг тез очилишида навбатчи муҳим роль ўйнайди.

Биз Бобо акани Наврўз шодиёналари кuni 50 ёши билан қўлаб, унга саломатлик, жанговар постда муваффақиятлар тилаб қоламиз.

М. ЖУРАЕВ,
милиция майори.



Дорилмон замонлар қайтариб берган Наврўзимизни жумҳуриятдаги жумлан мўмин—тиш чикмаган гўдакдан тортиб нуруний онахон-отахонларимизгача нишонлашди. Миллий байрам садолари янграмаган кўча, маҳалла, қишлоқ, шаҳар қолмади. Ҳамма ерда хурсандчилик, тантана, саҳоват ҳукм сурди.

Айниқса, билиб-билмай жиноят содир этиб, жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар учун байрам алоҳида шодлик бахш этди. Мана

шундай муассасалардан бригада Олмалик шаҳар маданият уйи қошидаги полвонлар ва дорбозлар гуруҳи қадам ранжида қилишди.

СУРАТЛАРДА: 1) Наврўз дастурхони тўқин-сочин бўлишида ошпазлар Ҳ. Норматов, А. Мамажоновларнинг хизмати катта бўлди;

2) байрам дастурхони қатнашчилари;

3) полвон ва дорбозлар чиқишлари.

Ольга ЖУРАВЛЕВА олган суратлар.



МАНГУ БОР БЎЛ...

Ассалом Наврўзим — янги йилгинам, Халқимдек хокисор, оқийғилгинам, Турфа гуллар билан безаб оламини Сен келдинг, завқларга тўлди дилгинам. Сен келдинг, борлиқда уйғониш бўлди. Қалбларда бир ажиб тўлғониш бўлди. Баҳорий тароват, ажиб гўзаллик. Булбуллар тилида зўр хониш бўлди. Кечиргил, гоҳида хор этдик сени, Айём, деб аташдан ор этдик сени. Ниҳоят, тонг отди, кўзлар очилди, Энди мангу бор бўл, бор этдик сени! Қуёш кўк саҳнида тўё бир малак, Толлар кокилида ўйнар жамалак.

Шукроналар айтиб, мадҳинга халқим, Қайноқ қозонлардан сузгай сумалак... Гуллаган дарахтлар висол рамзидир, Она Заминимнинг гулдастасидир. Майин-майин эсган хушқол саболар Бу кўҳна очунининг ҳур нафасидир. Савту саболарнинг муборақ бўлсин, Хушбўй ҳаволарнинг муборақ бўлсин. Эй, Наврўз аталган улуг айёмим, Назму наволаринг муборақ бўлсин!

Зирилла НЕЪМАТОВ,
Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ходими, милиция лейтенанти.

МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҲАҚИДА

1990 йил 30 декабрда ССЖИ Вазирлар Кенгаши қабул қилган «Ҳарбий хизматчиларни ва ҳарбий хизматни ўташга мажбурларни, ички ишлар идораларининг оддий ва раҳбар ходимларини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиниши ҳақида»ги қарорга доир саволлар билан таҳририятимизга мурожаат қилинмоқда.

Биз бу ҳақда ЎзССЖ ИИВ молия-режалаштириш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ш. Исҳоқхўжаевдан расмий маълумот олдик.

Юқорида зикр этилган қарор асосида махсус йўриқнома ишлаб чиқилиб, ССЖИ ИИВнинг 1991 йил 19 январдаги 23-рақамли буйруғи билан уни 1991 йил 1 январидан бошлаб қўлланиши эълон қилинди.

Ушбу йўриқномада суғурта пулларини тўлаш ҳолатлари ва миқдорлари кўрсатилган:

а) суғурта қилинган ходим хизматни ўташ мобайнида ёки хизматни тугатгандан кейин бир йил ичида, хизмат жараёнида келтирилган шикаст (яраланиш, касалланиш ва ҳоказо) натижасида вафот (ҳалок) этса, унинг ворисларига (ворисликни исботловчи ҳужжатлар келтирилган ҳолда) — 25,0 минг сўм;

б) суғурта қилинган ходим хизматни тугатгандан кейин бир йил ичида хизмат жараёнида ногирон бўлиб қолгани аниқланганда:

I-гуруҳ ногиронга — 15,0 минг сўм

II-гуруҳ ногиронга — 10,0 минг сўм

III-гуруҳ ногиронга — 5,0 минг сўм;

в) суғурта қилинган ходим хизмат жараёнида оғир яраланса, 1,0 минг сўм ва енгил яраланса, 500 сўм;

г) суғурта қилинган ходим вазифасини адо этаётган пайтда вазифасига яроқсиз деб топилса, 1,0 минг сўм.

Туман ички ишлар бўлимини ўраб олган милиция ходимлари ҳеч кимни ичкарига киритмас, ташқарига ҳам чиқармас, хонадан хонага кириб чиқиш, ўзаро гаплашиш ни ҳам таъқиқлашган. Ҳамма қарахт. Ҳаммининг юраги увишган. Қора қуноқдек ёпирилиб келган бу кимсаларни ҳеч ким танимайди ҳам. Бу оғир, зил-замбил сукунатда аждаҳоладек оғзидан олов ўрнига кўпик сачратиб бир кимса бўкиради:

— Ҳамманг порахўрсанлар, ҳали бирма-бир турмага тикиласанлар. Давлатни еб ётган текинтомоқларисанлар...


Унга бирор кимса юрак ютиб: «Ундай деманг, бу бориб-турган ҳақорат», — дея олмайди.

Бир оздан сўнг унинг йўлак бўйлаб:

— Кишан беринглар, кишан. Бунча имиллайсанлар, кишан келтиринглар деяман, — деб чинқиргани эшитилади.

Кимдир кишанларни Чирчиқ шаҳридан олиб келишларини айтади. Дарҳол Чирчиқ шаҳар ИИБга чопар юборилади.

Ўттизга яқин ходимлар яқинда ишга тайинланган жиноят қидирув бўлимидашнинг бошлиғи Темур Қоратоевни орқасидан фурсат ўтмай, шу бўлимга оператив вакили Хайридин Миролли-



ҚУЗҒУНЛАРНИ ЕНГАН ИШОРА

Муҳаббат
ИБРОҲИМОВА.

мовини ва кечагина Тошкент олий милиция мактабининг муваффақиятли тугатиб иш бошлаган Руслан Гайфуллинни турта-турта машинага ўтказишади. Ҳаммани ҳангу манг қолдириб, яна тез кунларда бошқаларнинг ҳам қўлларига кишанлар солинаганини уқтириб, келган манзилларига равона бўлишади.

Шум хабар яшин тезлигида атрофга тарқалади. Баъзи соддалар ИИБга ин қуриб олган ашаддий порахўрлар, жиноятчилардан қутулганига ростмана ишонишади.

Жиноятчиларнинг кунни тугади. Улар билан бевосита курашувчи ходимларнинг ҳибсга олинганига терисига сиғмай қувонади. Бу ишни бошлаганларга ғойибона офаринлар айтиб, сажда қилишади.

Энди гапни ҳибсга олинганлардан эшитинг. ЎзССЖ ИИВ вақтинчалик қамоқхонаси ертўласига ташланган Темур бу ерда қандайдир англашилмовчилик юз берга-

нини, эрта-индин ҳаммаси ойдинлашиб, яна ишига, онласига қайтишига ишонди. Бироқ... На эртасига, на индинига ва на ундан кейинига ҳеч ким: «Кимсан, нега ётибсан, айбнинг нима?» — деб сўрашни зарур топмади. Темур эса, нафақат у, Хайридин ҳам, Руслан ҳам қўзларини муздек забонсиз темир эшикларга қадаганларича умид билан кутишди. Эҳ, умидлар, бунчалар қоронғу, зимистонни машғалдек ёритмасанглар, ўрмалаётган хунук хаёлларни шамоллардек қувмасанглар, чарчаган, толиққан вужудларга қувват бахш этмасанглар...

Ҳар бири ёлғиз хоналарга қамалган «ашаддий порахўрлар» учун бу кунлар асрлардек, минг йиллардек, яна қанчалардек туюлганини фақат ўзлари ва худо билди, холос.

Эҳтимол, уларни келтирилганлар, руҳан синишларини кутишгандир. Сўнгсиз саволлар, оғир ўйлар исканжаси-

да қийналишига, қўзларининг қорачуғида жилваланаётган ҳақиқатга ишончни сўнишига эришиб, сўнгга қабихиятларини амалга оширишни қўзлашгандир.

Жумҳурият ИИВ ертўласида ётишганининг бешинчи кунни тунда жиноят қидирув бошқармаси бошлигининг ўринбосари С. Черний келиб, Темурни бир қанча ички ишлар раҳбар ходимларига қарши кўрсатма беришини, акс ҳолда умри қамоқда ўтишини айтди. Унинг рад жавоби тарихда номини қолдирмоқ иштиёқида юрган изқуварнинг жинини қўзитди. Устига-устак Темурнинг билимдонларча, оқилона берган саволлар, «қонуний сувда» йиғиб юборган ҳақиқат курашчисининг нақ юрагига ўқдайин тегди. Яраланган бўри энди Хайридин ва Русланларни Қоратоевга қарши кўрсатмалар беришга мажбурлай бошлади. Қўзлаган мақсадига эришса олмайётгани, «жиноятчиларнинг»

қайсарлиги жон-жонидан ўтиб кетди. Аммо, чорасиз нарсанинг ўзи йўқ, деганларидек бунинг ҳам йўли топилди.

Қонун бўйича жиноятчилар 10 кун ушланиши мумкин бўлган ертўлада айби қидирилиб азобланаётган уч ходим 35 кун ушланди. Сўроқ асосан тунда олиб бориладди. Агарда бунинг сўроқ дейиш мумкин бўлса, чунки на баёни ёзиларди, на тайинли савол бериларди, на бир ҳуқуққа, қонунга оид сўз ишлатиларди.

Уларни айбларди, лекин жавоблар олдида бу айбловлар совун кўпигида ёрилиб кетарди. Аммо бу ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Чунки жиноий ишларга барибир умуман бошқа жавоблар битилган қорозлар тикилаётган эди.

Бир ойдан кейин Темурни бошқа хонага ўтказишди. Эшик очилиши билан ичкаридаги 4-5 одамни кўриб Қоратоев гап нимадалигини дарров фаҳмлади. Уларнинг ёнидан жой олар экан, «мен ментман», деди. Чиниққан гавдаси, куч барқ уриб турган мушакларини, ўзини адл тутишини кўздан қочиришмаган «махсус» маҳбуслар ушчалик кўп тирғалишмади.

Лекин Хайридин билан Руслан устида анчагина иш-

(Давоми 7-бетда).

Кўлам нафаси уфуриб турарди. Сафархизматига отланган куннинг тонгида илиқ ёмғир ёға бошлади. Машина пешойнасининг «супургиси» шаррос қуяётган ёмғирни тозалашга баъзр улгуради. Жанубга элтадиган кенг қатнов жадал шохйўлда салкам 200 километрча масофага рулни бошқариб бориш чарчоғи сезилмадику, ундан ён томонга шохлаб кетган ва Зарбдор тумани марказига олиб борадиган 20 километрлик абажга чиққан йўл ичимизни тўкиб ташлади. «Жи-» шудгорланган даладан ҳаракатланаётгандек туюларди.

Бу йўлга ўхшаш манзилга етказар воситанинг икки чети ёқалаб тизилган ўркак-ўркак фаромуш адирларнинг кунжагида бош кўтараётган кўм-кўк майсаларга нигоҳ ташлаб, кўнгил хиёл таскин топади.

Ер қишқи мудроқлик исканжасидан халос бўлмоқда, тинимга одатланмаган дехқон кафти қизмоқда. Ризку рўзини Момо Ерма деб билган саҳоват эгаларининг юмуши бисёрлаган палла бу. Шу ташвиш Андижон вилоятининг Хўжабод туманидаги «Лениннинг» жамоа ҳўжалиги аъзоси 67 ёшли Назир ота Сулаймонов ва ҳайдовчиси Обиджон Йўлдошевларни Сурхондарё вилоятига йўл солдирди. Донаси 6 сўмлик бир машина хурмо кўчатини жаннатмакон Андижонга олиб кетаётди. Зарбдор туманида бошларига ажаб кўр-гуликлар тушишини хаёлларига ҳам келтиришмаган бўлсалар керак. Келинг, яхши-си, бу воқеага сал кейинроқ қайтсак.

Туман марказига кириб келганимизда, йўл сатҳи раволашди. Ички ишлар бўлимининг бир қаватли, ер бағирлаб кетган биноси эзилиб ёғатган ёмғир туфайлими қандайдир бефайз кўринади. Навбатдаги маж-лислардан бирига таклиф этилган ИИБ бошлигини кўтиб ўтирмасдан асосий мақса-диз — ясама ароққа оид иш билан танишишга киришдик. Керакли рақамлар, фамилиялар билан ёндафтар тўлиб, фото ва кинотасвирга олиш якунлангач, бошлиқ хонасида эканлигини айтишди.

Сочларига оқ оралаган, тўладан келган, кўзларида ҳорғинлик акс этган милиция подполковниги Холмат

ака Муҳаммадиевдан салом-аликлашиб бўлгач, не исти-ҳола билан сўрадик.

— Мажлис чўзилиб кет-дими? Бироз чарчаган кўри-насиз...

— Э, унча-мунча мажлис-ни кўрдим демаймиз, — у ҳар бир сўзини чертиб-чертиб гапирарди. — Тунни билан минжа қоққанимиз йўқ.

— Тинчликми? Холмат ака дераза тараф-га тикилиб, диққатимизни новдаларида тириклик асари сезилиб қолган дарахтларга қаратди.

— Кимдир боғ-роғ яратиб ниятида ҳар кўлам савоб ишта қўл ураркан, бошқаси

«атиғи» 40 километр нари-даги Ровот қишлоғига бизни ташлаб қўясизлар.

Унинг оғзидан гупиллаб қўланса ароқ ҳиди ураётган-ини сезган Назир ота чўрт кесмади.

— Ўғлим, мусофирмиз, узоқ йўлдан келяпмиз, жуда чарчадик. Ўнг бўлса, айтган жойларингизга олиб кетай-лик. Аммо орқага қайтолмай-миз.

Ширин рад жавобини эшитган йигит қўлидаги те-мирни буvasи тенги қарияга ўқталди.

— Қани, кўнмай кўрчи? Нақ... Шошма, олдин чўнта-гингни тинтиб олай.

ТАҚДИРИН ҚЎЛ БИЛАН СИНДИРУРМИ ИНСОН?!

эса эзгулик дарахти илдизи-ни қуритаркан. Катта Ўзбек шохйўли, — у қўлини ўша томонга зардали силкитди, — ҳол-жонимизга қўймайди. Бетамизлар қилғиликни қилиб, машинага ўтириша-ди-ю, жунаворишади. Ҳозир-ча топпимиз-у, топгунча ичи-миздан нима ўтгани ёлғиз ўзимизга аён. Мана бугун тунда шундай воқеа юз бер-ди. Ярим кечаси, соат бир-ларда, навбатчи уйга қўнғи-роқ қилди...

Елиб қўйилган ёндафтар-ни шоша-пиша очиб, Холмат ака берилиб ҳикоя қилаёт-ган воқеа тафсилотини қо-роғга тушира бошладик.

Қаршисидан келаётган ма-шина чироғининг ёғдуси кў-зини олган ҳайдовчи Обид-жон Йўлдошев рулни четга бурди.

— Ҳа, нима гап, Обид-жон? — сўради ташвишланиб унинг ҳамроҳи Назир ота.

— Пича чарчадим, шеки-ли. Бензин ҳам тугади ҳисоб. Зарбдор туманидаги Бўс-тон посёлкасида киравериш-да тўхтаб қолган машинага кузовдаги жамғарма бензин-ни банка қўйишгаётган йўл-чи-ларга тўрт йигит яқинлаш-ди.

— Хўв, биродар, — деб ўзига имлади улардан бири қарияни.

— Хизмат, ўғлим.

— Ҳозир орқага қайтиб,

Назир отанинг ёнидан чи-қан бир даста 25 сўмликни чўнтагига ургач, ўртадаги гап-сўзларга аралашмай тур-ган шерикларига дағаллик билан буюрди.

— Биринг ҳайдовчининг ёнига ўтир. Чол биз билан юқорида кетади.

Юк машинаси кузовида улфатларидан бирига қария-дан 18 та 25 сўмлик олгани-ни айтиб, Назир ота кўз ол-дида унга 9 тасини берди. Топганини «баҳам» кўришда дўстини ҳам алдаб кетди. Чунки 25 талик 40 дона эди. Хуллас, ҳамма нарса тўда етакчиси учун сип-силлиқ бо-раётганди-ю, йигитлардан бири қароқчиликда қатна-шишни истамагани учунми машинага чиқишдан бош тортди. Уни хўб аврашди. Бирсўзли қайсар экан, гапи-да туриб олди.

Ноилжондан машинани қол-дирган йигитлар кўздан го-йиб бўлишгач, жабранув-чилар нажот истаб Бўстон посёлкасидаги милиция пунк-тига бош уришди. Шу пайт-даноқ қидирув машинаси ҳа-ракатга тушди.

Биринчи гуруҳ «Ровот» тахмини бўйича ишга кириш-ди. Иккинчиси посёлкадаги тунги йўловчилардан сўраб-суриштира бошлади. Ўнлаб одамлар билан гаплашишга тўғри келди. Баъзиларини иссиқ тўшакдан кўтаришди.

Ниҳоят ўша пайтда посёлка-да бўлганлардан бири сўра-лаётган йигитлар ичида ту-ман марказидаги «Тез ёр-дам»да ҳайдовчи бўлиб иш-лаган кишини кўргандай бўлганини айтди.

Темирни қизигида бос, дей-дилар. «Тез ёрдам»да ҳай-довчилик қилаётган, ҳатто ишдан бўшаб кетган киши-лар шахси ўрганиб чиқилди. Жиззах туманидаги Ровот қишлоғилик 25 ёшли Ҳаби-булло Янгибоев икки йил бу-рун шу ерда ишлаган экан. Ғира-шира тонг отиб қола-ёзганда, оператив гуруҳ унинг уйига етиб келди. Бос-қинчиликнинг қолган ишти-рокчиларини қўлга олиш ен-гил кўчди. Ҳ. Янгибоев ёни-дан 775 сўм, Б. Анобоев-дан эса 225 сўм пул чиқди.


— Холмат ака, ярим ке-часи улар Бўстонда нима қи-либ юришган экан?

— 27 ёшли Бойқул Ано-боев Жиззах шаҳрида трак-торчи, 25 ёшли Янгибой Дўстонов Жиззах шаҳридаги қурилиш ташкилотларидан бирида ҳайдовчи, 27 ёшли Қосимбек Эгамбердиев Жиз-захдаги кўча механизация-лашган колонна қурувчиси бўлиб ишлайди. Оғайнилар ишдан кейин қиттак-қиттак отишган. Автобусдан тушиш-ганда, Эгамбердиев телпаги қолиб кетганини айтади. «Хамдардиги» бемеъёр жўшган улфатлар машина тўхтатиб, автобусни қувиша-ди. Лекин йўловчи машина уларни Бўстонга олиб ке-лади, холос. Қайтиш учун транспорт излаб юришганда, хурмо кўчати ортилган ма-шинага дуч келишади. Бўл-ган гап шу. Ҳа, дарвоқе, ку-зов тепасида сакрашиб, беш-олти туп хурмо кўчатини ҳам синдиришибди.

Тахририят топширигини адо этиб, Тошкентга қайтар эканмиз, хаёлимизни синган хурмо кўчати эмас (унинг янғисини сотиб олиш мум-кин), ўша йигитлар тақдири чулғаб олганди. Улар кузов-да хурмо кўчатини эмас, балки ўз тақдирларини топ-ташган, синдиришган...

Тошкентга кираверишда ёмғир тиниб, қуёш чарақлаб кетди. Лекин оғир ўйлар бо-сиб келаварарди. Қачонгача шоирнинг «тақдирин қўл би-лан яратар инсон» деган пурҳиямати терсини қила-миз?!

Ғайратжон БОЛТАБОВ,
Раҳмонали ҚОСИМОВ,
Тошкент—Жиззах.
1991 йил, 2 март.



БУРЧГА САДОҚАТ

Шу кунларда Қўқон ша-ҳар ички ишлар бўлими хо-димлари иш фаолиятида кескин ўзгаришлар юз бер-моқда. Улар жиноятчилик-ка қарши курашни кескин кучайтирмоқдалар. Бунда, айниқса, отлик взвод мили-ционерлари олиб бораётган ишлар ижобий натижа бер-моқда. Бунинг назарда тут-ган бўлим раҳбарлари от-лик соқчилар сонини 20 та-дан 60 тага кўпайтиришди. Натижада камидра 30 та кў-ча ва маҳаллани бир вақт-нинг ўзида назорат қилиш имкони яратилди.

— Фуқароларимиз учун тинчлик керак, — дейди Қў-қон шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция капитани Шукрул-ло Рўзиматов. — Шу са-баб шаҳарлик йигитларнинг ўзлари ҳам тунги вақтларда навбатма-навбат ихтиёрий равишда милиция ходимла-рига ёрдамга чиқмоқдалар. Халқ билан тобора мустаҳ-камланиб бораётган бир-дамлигимиз эса ютуқлари-мизнинг омили бўлмоқда.

Ҳа, юртинг тинч, сен тинч, дейди халқимиз. Мо-домийки шундай экан, қў-қонлик озоишталлик пос-бонлари ўз халқига ҳаминша садоқат билан хизмат қи-ла-верадилар.

СУРАТДА: милиция кат-та лейтенанти Неъматжон Кенжабоев (чапда) отлик ми-лиционерлар взводи коман-дир, милиция катта сер-жант Шомурод Шоноси-ров ҳамда милиция сер-жант Мирсалим Қаримов-лар билан навбатдаги иш режалари ҳақида суҳбат-лашмоқдалар.
Ғуломжон УБАЙДУЛЛАЕВ
олган сура.


(Давоми. Бош 2-бетда).

лашди. Ҳатто Хайридин ав-вал ўзи ушлаб жазога тор-ган жиноятчидан яхшигина мушт ҳам еди. Дунёда бун-дач ҳам ортқ хўрликка чи-дай олмаган Хайридин бир неча марта ўз жонига қасд ҳам қилмоқчи бўлди.

Ўттиз беш кун ўтгач, улар-ни шаҳар қамоқхонасига жў-натишди. Шу кунлар ичида улар кўрмаган хўрликлар, эшитмаган ҳақоратлар қол-мади. Таассуфки, қолганлари янги жойда давом эттирилди.

Маҳбусларнинг мурожа-ат этиб, адолат истаб ёзма-ган жойлари — манзилгоҳ-лари қолмади. Қоронғу хона-ларда қўзларининг нурини тўкиб ёзишарди, ёзишар-ди... Хатларнинг бирортаси қамоқхона деворларидан, терговчи қўлидан узоққа ке-таётганини хаёлларига ҳам келтиришмай ёзишарди. Яхшиямки умид деган нарса бор. Ҳайриятки, олтинчи туй-ғу — мавҳум сезги бу ҳақда аён этмади. Ахир, Қонуи, Адолат, Ҳақиқат яшаётган эди қаерлардандир...

Эҳтимол, Гайданов, Лап-тевлар уларнинг нажот, адо-лат истаб БМТнинг инсон ҳу-қуқларини муҳофаза этувчи бўлимига йўллаган ариза-ларини ўқишганда, қорилари-ни ушлаб, ичкалари узилгун-ча кулишгандир.



Нима бўлганда ҳам 1986 йил вилоят судида иш кў-рилди. Судда ўтакетган жи-ноятчи гувоҳ сифатида иш-тирок этди. Суд терговчи Шахтурин томонидан кўплаб ҳужжатларнинг қалбаки иш-ланганлигини аниқлаб (суд-тиббий экспертизаси хулоса-си жиноий ишга тикилган) қайта терговга юборди (сўн-гра иш терговчи Ҳайдаров қў-лида бир йил ҳаракатсиз ёт-ди).

Судда иштирок этган Бўс-тонлик тумани ички ишлар бўлими бошлигининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари М. Раҳматбоевнинг: «Бу йигит-лар ҳалол, Айбсизлигига ка-филлик бераман. Агарда улар билан Афғонистонга бо-риш керак бўлса борардим, қон бериш зарур бўлса бе-рардим», — деганлари ҳам эътиборсиз қолди. Судда иш-тирок этган ИИБ ходимлари, Темур, Хайридин, Руслан-ларнинг қариндошлари айб

нақадар асоссиз, шарманда-ли эканлигини эътироф этиш-ганда, Лаптев, Шахтуринлар-нинг асаблари ўйнаб кетди. Бу судлов жараёни «қонуи-шунослар» учун ибрат бўл-дим, ҳар ҳолда 1987 йил Тошкент қамоқхонасининг ҳужрасида ўтказилган «одил суд» бундан ҳам антиқароқ бўлди. Чунки (эслатиб ўтиш кераки, қамоқ жазосини ўташи керак бўлган) гувоҳ Лаптевнинг хизмат машина-си — «ГАЗ-24» да эшиги қа-моқхона эшигига тўғрилиб олиб келинди. Суд 15 дақи-қага ҳам чўзилмади. Лаптев, судья Мустафин ва уч «жи-ноятчи» — Қоратоев, Мир-олимов, Гайфуллинлардан бўлак ҳеч ким иштирок эт-мади. Бу ноёб суд маҳбус-ларнинг 3 йилга озодликдан маҳрум қилди. Жазо мудда-тини Красноярск ўлкасида ўташи белгиланди. Ниҳоят, бир ярим йил деганда ҳукм ўқилди. Энди улар ҳукм нус-хасини олиб, юқори идора-ларга ариза бериш имконига

эга бўлдилар. Бироқ бу тилла қозони қўлга киритиш ҳи-дулар сардори билан тил топилишдан ҳам мушкул экан. Ҳар гал йигитлар суд-га ҳукм нусхаси учун бор-ганларида бирор сабаб топи-ларди. Эҳтимол, бу баҳона-лар 9 ойга чўзилмаганида, «жазо муддатини ўташга бўйин товлаб, қочишга ҳа-ракат қилинди», деган ваздан яна бир моддани ишга тир-каб қўйишмасиди? Ҳукм нусхасининг тугилишига 9 ой керак бўлганини тушуниш мумкин — табиат қонуни. Уни бунёдга келтирганларга раҳмат-е. Нусха тугилиши биланоқ учаласига ҳеч қаёқ-қа кетмаслик ҳақида тилхат ёздиринди.

Қанча югур-югурдан ке-йин иш жумҳурият олий су-дида кўриладиган бўлди. Бу давр, яъни 1988 йилда анча ўзгаришлар кутилаётган эди. Олий суд жиноий ишнинг асоссизлигини исботлаб, жум-ҳурият прокуратурасига қай-та терговга юборди.

Яна Темур, Хайридин, Русланларнинг юрагини умид қитқилай бошлади.

...Мен Темур Қоратоевнинг ишхонасида ўтирибман. Ун-га ўтган кунларни эслатиш ярага туз сепиш билан баро-бар. Темур аканинг юзи бир-дан ғамгин тус олади, бир оз сукут сақлаб гапириб учун ўзида куч йиғади. Фикрла-рини жамлайди.

— Бу воқеа, яъни биз-ларни олиб кетишмасидан бир неча кун бурун туман ИИБ бошлиғимизни проку-ратурага чақиртиришганини эшитгандим. Айтишим ке-рак, бўлимимиз вақтинчалик қибсхонасидан бир маҳбус қочувди. Аслида у ўта хавф-ли жиноятчи бўлиб, жазо муддатини жумҳуриятимиз-дан жуда узоқларда ўташи керак эди. Бироқ Гайданов-нинг фармойиши бўйича, қандай қилиб билмадим-у, бу ерга — гарчи қонунга эди бўлса ҳам — келтирилган экан. Маҳбуснинг қочгани юзасидан бўлса керак, деб ўйлагандим. Кейин тўсатдан кабинетимга бостириб кириб, огоҳлантирмасдан, тушун-тирмасдан қўлимга «кишан солиб олиб кетишди. Сўнгра шу шахс судда гувоҳ сифати-да иштирок этганида ёқамни ушладим.

(Давоми бор)

ҲАМКОРЛИК КЕРАК

Бугун ҳам муҳарририяти-мизга бир даста хат келди. Қувониб кетдим. Мақтублар — дил ойнаси, дейишди. Қуёшли Узбекистонининг турли туманларида истиқомат қилаётган ихломандларимиз эндигина аталчак қадам ташлаётган рўзномамизга хат жўнатиб, фикр-уйларини мулоҳазаларини баҳам кўришмоқчи бўлишса, қувонмасликнинг иложи борми?

Тўғри, хатларнинг аксарияти жойларда ўз хизмат бурчларини сидқидилдан адо этаётган фаол милиция ходимлари тўғрисида ҳикоя қилади, худди шунингдек, рўзномани янада ўқимишли чиқариш борасидаги таклифлар ҳам йўқ эмас. Улар орасида муаммолар ҳақида битилган мақтублар ҳам борки, сатрлари кишини чуқур ўйга толдиради.

Агар теран мушоҳада юритадиган бўлсак, ховослик Нишонбой Нурматов фикрларига қўйилмасликнинг иложи йўқ.

«... Кечагидек ҳамон ёдимда. 60-йилларда турмуш даражамиз паст, маданий савиямиз ундан ҳам қашшоқ эди. Аммо одамгарчилик, меҳр-оқибат деган туйғулар қадри баланд эди. Энди-чи? Кўча-кўйларда юрак ҳовучлаб юрасан, киши. «Рэкет» деган сўз гўёки модага айланди. Истеъ-

мол бозорида эса тақчиллик ҳукмрон...»

Надоматлар бўлсинки, у кишининг сўзлари ҳақиқат эканлигини тан олишга мажбурмиз.

Энди Фаргона вилояти Киров туманидаги Товул қишлоғида истиқомат қилувчи Мусажон Эркабоев битган сатрларга биргаликда кўз югуртирайлик.

«... Ички ишлар соҳасида гапирадиган бўлсак, ондасонда қилинадиган ишлар ҳақида жамоатчиликка жар солишдан бошқа нарса йўқ. Қаранг, ҳамма жойда ўғри, чайқовчи. Давлат корхоналарида тайёрланган буюмларни оғзига келган нархда сотишади. Агарда шу савдогарни ушлаб, ички ишлар ходимига топширсангиз, барибир фойдаси йўқ. Савдогарнинг ёғлиқ оши-ю, мўмай пулига алданади улар. Ҳурматли муҳаррир! Сизлар рўзномада ана шундай норахўрлар ҳақида кўпроқ ёзишларингизни истаймиз...»

Ана шу икки мақтуб мени қаттиқ ўйлантириб қўйди. Чунки кўтарилган муаммолар ҳақиқатдан ҳам ўткир

ва долзарб. Нима қилиш керак?

Яна хатларга назар ташлайман. Ховослик Равшанқул Ғоипов мақтуби анчагина эътиборга молик кўринади. Айниқса, биринчи мақтубдаги оғриқли саволга маълум маънода жавоб бўлади, деб ўйлайман.

«... Буюк шарқ алломаси айтади: отанинг ўз фарзандига танбеҳ бериши қақраб ётган экинзорга сув қўйиш билан баробардир. Бу гапнинг пурҳикмат эканлигига тан берсакда, ҳар доим ҳам амал қилавермаймиз. Фарзанд тарбиясига етарлича аҳамият бермаймиз. Кўпинча эса бу билан мактабдагилар шугуллансин, чунки улар шунинг учун давлатдан маош олишади, деб ўйлаймиз. Менимча, касалликнинг бошланиши — ана шунда...»

Тўғри фикр. Бугун кичкина айби учун тергалмаган, тартибга чақирилмаган бола келажакда безори, олибсатар ёки порахўр бўлиб етишмайди, деб ким қафолат бера олади? Замон чатоқ бўлиб кетди, деб пешонага уришдан фойда йўқ. Замонга ҳеч нарса бўлма-

ган, ўзимиз бефарқ ва эътиборсиз бўлиб кетганмиз.

Яна баъзи мақтубларда эса очиқ-ойдин милиция ходимларига таъна тошлари отилади. Гўёки тинчлик посбонлари аҳоли хотиржамлигини муҳофаза этолмаётганмиш. Шу ўринда бир сўзни беихтиёр такрорлайсан, киши. «Наҳотки?» Ахир, биргина «Постда» рўзномасида ашаддий жиноятчилар билан юзма-юз олишувда жасорат кўрсатган милиция ходимлари ҳақида кўп ёзилди. Булар тўқима эмас, айни бўлган воқеалар. Шу жанглар натижасида гул умри хазон бўлган ҳамкасбларимиз ҳам, афсуски, кўп. Юқоридаги бирёқлама, асоссиз эътирозлар шайхид кетган ўғлонлар руҳига ҳақорат бўлмасмикан?

Энди мана бу мақтуб билан танишинг. Уни бизга Эллиққалъа туманидан Кенжабой Йўлдошев юборган.

«... Ҳурматли муҳаррир! «Постда» рўзномасининг иккинчи сонида «Огоҳ бўлинг, фирибгар» ойнасўзи остида «Қойим бўлган қиёмат» сарлавҳали мақолани ўқигандим.

Шу йил 13 январь кунини кеч соат 24 ларда ўша мақолада айтилган фирибгарлар бизникига меҳмон бўлиб келишди. Жиянини топириб қўйгандик. Аздор бўлишимизга қарамай 16 январгача овқатлантириб, ароқ билан сийладик. Лекин улар бизни доғда қолдиришди. Кутилмаганда янгамнинг пальтосини, жундан тўқилган рўмолини, шифонердаги 2 минг сўмни ўғирлаб кетишди. Аёлнинг исми Гулчеҳра, эркакники эса Бекжон Сабуров эди, ёнларидаги қизалоқ дудуқланиб гапирарди.

Илтимос, ўғирлатган нарсаларимизни топишга ёрдамлашсангиз...

Бунга нима дейсиз? Содоалик ҳам эви биланда. Рўзномада ўша фирибгарлар ҳақида ҳатто суратлари билан маълумот берилса-ю, барибир алданиб ўтиришса. Ахир, ҳар бир хонадонни алоҳида милиция ходими қўриқлай олмайди. Ўзингни эҳтиёт қил, қўшинингни ўғри тутма, деган нақл бежизга айтилмаган-ку. Жамиятимизга ёт бўлган чайқовчино порахўр, олибсатару каззоб, фирибгару безорилар ҳақида милицияга хабар қилиб турилса, шунинг ўзинёқ ошо-иштиликни таъминлашда салмоқли ҳисса бўларди.

Раҳмон АЛИ.

Чангда қолган гул

Синглим Гулбаҳор! Сен билан мен бир осмон остида яшасакда, авваллари бир-биримизни мутлақо кўрмаганмиз, билмаганмиз. Лекин кеча бошингга тушган оғир мусибат бугун менинг дилимни вайрон этди. Бебаҳо бойлигинг — қизлик ифратингни оёқ ости қилишди. Сенга ачинаман, унга эса нафратим бисёр. Лекин юрагимни беомон куйдираётган олов — ўкинч ва алам пайсаямайди.

Кел, иккимиз учун қанчалик оғир бўлсада, ўтган йилнинг 26 сентябрида рўй берган машғум фалокатни эсга олайлик. Зора, бунини бошқалар ҳам ўзларича муҳокама қилиб, ҳулоса чиқаришса. Зора, сенинг азиз бошингга тушган кўргулик бошқа қизгиналарнинг бошига тушмаса.

Сен умрининг охириги дамларигача қаргаб ўтадиган ўша кунни Куйбишев номи жамоа хўжалиги худудидидаги хилват дала йўлидан уйингга қайтаётгандинг. Мурғак қалбингда ғам-андух йўқ, руҳиятигиз тетик эди. Сакраб-сакраб, шөшилиб-шөшилиб келаётгандинг.

Тўсатдан рўпарангда у пайдо бўлди. Мастликдан қизарган беҳаё, шафқатсиз нигоҳини гул вужудингга қадади. Ҳадик аралаш атрофга аланглади, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, сенга ташланди. Каптарга човут солган калхатни эслатди у. Сен қанча уринсанг ҳам унинг темирдек бақувват қўлларидан кутулиб чиқолмадинг, чиқолмасдинг ҳам. Беадад қўркув ва даҳшатдан чинқириб юбординг, лекин, афсус, ох-фарёдингни ҳеч ким эшитмади, эшитмасди ҳам.

Ниҳоят ўзингни йўл четидаги жўхоризор ичида кўрдинг. У беаъни ишшайиб, эгинингдаги кийим-кечагингни юлиб-йиртиб ташлаиверди.

— Ундай қилманг, раҳмингиз келсин! — дея яли-

ниб-ёлвординг. Лекин у кўз қорачуғларингдаги ҳатто тошни ҳам эритувчи илтижонни кўрмади. Ҳайвоний ҳирс билан ҳансираб:

— Овозингни чиқарма, ўлдираман! — деб пўписа аралаш шивирлади.

15 ёшга тўлмаган синглим, ниҳоят хушингдан кетдинг. Жиноятчи кирдикорини яшириш мақсадида бўйингга, бошингнинг орқа қисмига тинмай муштлиди. Кейин «тинчитдим» деб гумон қилиб, тўппа-тўғри Тошкентга қараб қочди.

Мана, у суднинг қора курсида ўтирибди. Номусингни топтаган нопокнинг жирканч башарасига қара, синглим! Унинг исми Жаҳнобиддин, фамилияси Кенжабоев. Эндигина 27 ёшни қоралаган бўлсада, остидаги қора курси унга нотаниш эмас. Муқаддам уч марта қамалиб чиққан. Вукрини гўр тузатар, деб бежиз айтишмас экан.

Ўша кунни Акрам ва Самин исмли улфатлари билан тўйиб ароқ ичишган. Кейин сен бечорага йўлиққан экан.

Суд ҳукми ўқилди. У 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шу жазонинг беш йилини қамоқхонада, қолган ўн йилини эса махсус режимли ахлоқ тўзатиш муассасасида ўтайди. Бир қарашда ҳақ қарор топгандек кўринади. Лекин юрагимни куйдираётган олов — ўкинч ва алам пайсаягани йўқ. Агар биз — атрофдаги кишилар хушёрроқ бўлганимизда, ҳайвоний ҳирс қўлига айланган бу нобакорнинг танобини аввалроқ тортуб қўйганимизда эди, гул вужудинг нопок қўлида эзгиланмаган бўлармиди? Кўзларингдан марварид ёшлар оқмаган бўлармиди?...

Шу боис кўзларингга қарашга уяламан, синглим!

Эмнжон ОБИДОВ,
Риштон тумани.

Наврўз инсонни эъзозлашга, табиатни эрдоқлашга даъват этади. Шунинг учун ҳам байрам, яъни деҳқончилик ишлари бошланган кунни кўп жойларда дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Мана бу суратларда Наманган вилоятининг Учқўрғон тумани ички ишлар бўлими ходимларининг кўчат экиши ўз тасвирини топган. Ҳар хил ташвишли кўнгиноқлардан, хабарлардан бир зум ҳоли қолган бу осойишталик посбонларининг юзларида бугун бошқача ҳолат. Улар ниҳолларнинг келгусида шигил-шиғил ҳосилга киришини ўйлаб, хайрли ишга қўл уришган. Шунинг учун туман ички ишлар бўлими атрофидаги, ДАН постлари яқинидаги бўш жойларга экилаётган кўчатларнинг ҳолидан ҳар доим хабар олиб туришади. Бу иш асабларни таранглатирадиган хизматдан сўнг ҳордиқ чиқартиради, албатта.

СУРАТЛАРДА: 1) Учқўрғон тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Қутбиддин Нуриддин, паспорт столи катта инспектори, милиция капитани Ҳабибулло Усмонов, марказлаштирилган соқчилиги пулти ҳайдовчиси, милиция старшинаси Комил-



жон Ҳайдаровлар кўчат ўтқазилмоқда;

2) ДАН ходими, милиция катта сержанти Шонир Соҳибов бу савоб ишда фаол қатнашганлардан бири.

Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ
олган суратлар.



МАШИНАМНИ ЎҒИРЛАШДИ...

Шу йил 1 март кунини эди. Қамашини туман ички ишлар бўлими участка вакили, милиция лейтенанти Мурод Мирзаев ва ДАН ходими, милиция сержанти Чори Мейлиевлар Қарши-Қамашини йўлида қатновни кўздан кечириб тургандилар. Шу пайт Қарши тарафдан катта тезликда келаётган машина уларнинг эътиборини ўзига тортди. Баҳайбат юк машинаси йўлнинг гоҳ у, гоҳ бу тарафига чиқиб, қатновга хавф туғдириб келарди. Милиция ходимлари гап нимада эканлигини дарров илғаб олдилар. Ҳайдовчи маст.

Милиционерлар тўхташ ишорасини берса ҳам, у тезликин баттар ошириб, қочиб қолди. Вақтни қўлдан бермаслик керак, бўлмаса у катта фалокат содир этиши мумкин. Шунинг учун Ч. Мейлиев барча постларни воқеадан хабар этди ва машина орқасидан эҳтиёткорлик билан таъқиб эта бошлади.

Қўрилган чора-тадбир натижасида тезда қонунбузар ушланди. Текширилганда унинг ҳаддан ташқари кайфи баландлиги аниқланди. Маълум бўлишича, илгари бир неча марта судланиб, тавбасига таянмаган, иш ва яшаш жойининг тайини бўлмаган Равил А. ичиб олгач, қаровсиз қолган машинани олиб қочган. «ЗИЛ-ММЗ-45021» белгили «07-26 КФЛ» рақамли бу машина Қарши шаҳридаги 8-автотўзага тегишли бўлиб, ҳайдовчи Б. Тоғаев уни назоратсиз қолдирган. Натижада... Хайриятки, фалокатнинг олди олинди.

3. МУҲАММАДИЕВ,

Қамашини туман ИИБ ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция майори.

ЭЪЛОН

1987 йили Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 203-мактабни тугаллагани ҳақида НАЗИРОВ Нурилло Патхулаевни номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги № 312565 етуклик аттестати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир — 32-38-86, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД УССР

Рўзнома офсет усулида, А-3 қолинида босилган.

Буюртма № 5119. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Индекс: 64615.

Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ.